



ТУРИЗМ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Гадаев Жаҳонгир Муҳаммади ўғли
Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a43

Аннотация. Мақола туризм корхоналари инвестицион фаолиятини шакллантириш хусусиятларига бағишланган бўлиб, унда туризм корхоналарининг инвестиция фаолиятини тартибга солиш усуллари долзарб мақсадларга йўналтирилиши, инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили, туризм корхоналарининг инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: туризм, туризм корхонаси, инвестиция, инвестицион фаолият, солиқ, туристик маҳсулот.

ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТУРИСТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Гадаев Жаҳонгир Муҳаммади ўғли
Самарқандский институт экономики и сервиса

Аннотация. Статья посвящена особенностям формирования инвестиционной деятельности туристических предприятий, содержит предложения и рекомендации по регулированию инвестиционной деятельности туристических предприятий, направлению методов инвестиционной деятельности туристических предприятий на реальные цели, анализ текущая ситуация совершенствования финансирования инвестиционной деятельности, государственного регулирования инвестиционной деятельности туристических предприятий.

Калит сўзлар: туризм, туристическое предприятие, инвестиции, инвестиционная деятельность, налог, туристский продукт.

FEATURES OF FORMATION OF INVESTMENT ACTIVITIES OF TOURIST ENTERPRISES

Gadaev Jakhongir Mukhammadagi ugli
Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. The article is devoted to the peculiarities of the formation of investment activities of tourism enterprises, contains proposals and recommendations for regulating the investment activities of tourism enterprises, directing the methods of investment activities of tourism enterprises to real goals, analyzing the current situation of improving the financing of investment activities, state regulation of investment activities of tourism enterprises.

Key words: tourism, tourism enterprise, investment, investment activity, tax, tourism product.

Кириш. Ҳозирги шароитда республикадаги туризм корхоналарининг инвестиция фаолиятини бошқариш ва тартибга солиш, глобал билимларни эгаллаш, солиқ муносабатларининг тартибга солувчи аҳамиятини такомиллаштириш, уларнинг рағбатлантирувчанлик ролини кучайтиришга қаратилишига замин яратиш долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Бундай муҳитни юзага келтириш орқали иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари бир маромда ривожланиши учун замин яратилиши керак бўлади. Чунки жамият эҳтиёжларини тез ўзгариб туришини ва ишлаб чиқа-

ришни эса, уларга мослаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Натижада иқтисодиётнинг айрим соҳа ва тармоқларини жадал ривожланиши рақобат муҳитини яратиш беради. Аммо рақобатбардош бўлиши мавжуд номутаносибликларни бартараф этишни бутун иқтисодиёт комплексини балансли ривожланишини таъминлаш, реал сектор корхоналарининг инвестиция фаолиятини молиялаштиришни кучайтириш талаб этади. Бу эса энг аввало ўз-ўзини тартибга солиш ва бошқариш орқали амалга оширилишини тақозо этади.

Хўжалик юритувчи субъектларни ва уларга ўрнатилаган муносабатларни оқилона

танлаш ва ижро этиш, ўз фаолияти усулидан мустақил фойдаланиш ўта муҳим ва долзарб масаладир. У корхоналарни шу жумладан, туризм корхоналарини инвестиция фаолиятини тартибга солишда муҳим ўрин тутди, шу билан бирга айрим ҳолларда иқтисодий тартибга солиштиришга оғирлик қилади ва бу ишга давлат аралашувини тақозо этади. Давлат аралашуви эса йирик таркибий ўзгаришларни таъминлаш, иқтисодий ривожланишнинг самарадор янги йўналишларни молиявий қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини раванг топтириш учун зарур.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Туризм корхоналар ривожланишига инвестицияларни иқтисодий баҳолашга қаратилган илмий ишда В.С.Боголюбов, С.А.Быстров, С.А.Боголюбовалар туризмга инвестицияларни капитал ёрдамида янги туристик объектларни яратиш, модернизациялаш ёки муайян турдаги туристик хизматларни ишлаб чиқарувчи ва тақдим этишга қодир бўлган мавжудларини реконструкция қилиш, шунингдек, номоддий активлар (ихтиролар, ноу-хау ва ҳ.к.лар)ни яратиш сифатида талқин қилишади [1].

Тадқиқотчи Д.Оллоназаров туристик кластерни ташкил қилишни таклиф этган ҳолда, айнан шу тузилма орқали ҳудуднинг минтақада, миллий даражада ва халқаро бозорларга чиқиш, инвестицион салоҳиятини очиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш мумкин, дея ҳисоблайди [2].

Г.Нарзуллаева фикрича, туризмда инвестицион фаолият – бу соҳанинг ривожини таъминлашга хизмат қиладиган, яъни туристик фаолиятни амалга ошириш ва уни рағбатлантириш учун йўналтириладиган маблағларни бошқариш муносабатлари йиғиндидир [3]. Ушбу муносабатларда туристик фаолиятни тизимли қўллаб-қувватлашга асосланган ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий, молиявий услублар мажмуаси тартибга солинади.

М.Nawaz ва S.Hassan фикрича, одамларни турли йўналишларга жалб қилувчи жозибали ландшафтлар ва археологик диққатга сазовор жойлар каби кўплаб омиллар туризмни ривожлантириш учун зарур ҳисобланади [4]. Бу уларга туризм соҳасига сармоя кириши, туризм корхоналари инвестиция фаолиятини ташкил этиши учун етарли шартдир.

Сербиялик олимлар Н.Пантич ва И.Милоевичлар туризмга инвестициялар ҳам туризмни, ҳам у билан бевосита ёки билвоси-

та боғлиқ бўлган бошқа фаолиятни ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини эътироф этган ҳолда туризмнинг улкан салоҳиятига қарамай, инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги туризмнинг родини пасайтирадиган сабаблардан бири сифатида намоён бўлишини таъкидлашади [5].

Алоҳида олганда, туризм хизматларининг ривожланиши ёки инвестицияларнинг тармоқ ва иқтисодий ўсиш билан боғлиқлиги узоқ вақтдан бери тадқиқотчилар ўртасида қизиқиш уйғотган ва бу соҳада катта ҳажмдаги адабиётларни топиш мумкин, аммо инвестициялар ва туризмнинг ўсиши, туризм корхоналари инвестиция фаолиятини тартибга солишга оид етарли адабиётлар ҳали бошланғич босқичида эканлигини эътироф этишимиз лозим.

Тадқиқот методологияси. Туризм корхоналари инвестиция фаолияти, уни давлат томонидан тартибга солишда қўлланиладиган усулларни ижтимоий-иқтисодий нуқтаи-назардан ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларда илгари сурилган илмий-амалий таклифларни таҳлил қилишда мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Таъкидлаш жоизки, давлатнинг корхоналар иқтисодий-иқтисодий тартибга солишда аралашуви ҳозирги шароитда маълум чегарага эга бўлиб, фақат қонунан амалга оширилиши керак. Шунинг учун ҳам туризм корхоналари ривожини иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида эътироф этилиши, ушбу соҳага кенг қўллашда инвестиция оқими жалб этиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Туризм корхоналарининг инвестиция фаолиятини тартибга солиш усуллари қўйидаги мақсадларга йўналтирилиши долзарб масалалар сирасига киради:

– янги тур маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш;

– тур маҳсулотларни суғурталашни ривожлантириш орқали молиявий риск эҳтимолини камайтириш;

– бозор конъюктураси ўзгаришларига ва сайёҳлар эҳтиёжларига тез мослаша олиши боис уни янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасидаги энг қўлай ва мақбул воситасига айлантириш;

– турли молиявий фондлар маблағларни жалб этиш ва улардан самарали фойдала-

нишни ташкил этиш орқали туристик корхона эҳтиёжларни қондириш;

– туристик корхона харажатларини, корхона инвестициялар орқали илғор технологиялар ва фан ютуқларини жорий қилишни таъминлаш;

– амортизация сиёсати орқали туризм корхоналарининг молиявий ресурсларни жамғаришга уларнинг асосий натижаларини янгиланиши даражасига таъсир кўрсатиш шулар жумласидандир.

Туризм соҳаси бўйича давлат сиёсати ва коммуникация тармоғини барпо этиш, яхши транспорт инфратузилмасини таъминлаш, санъат ва хунармандчиликни ривожлантириш, меросни асраб-авайлаш ва музейларни ривожлантириш бўйича ташаббусларни режалаштириш туризмни ривожлантиришга бевоқиф таъсир кўрсатади [6].

Туризм корхоналарининг инвестиция фаолиятини тартибга солиш борасидаги халқаро тажрибаларни ҳисобга олиш, сармоядорларга инвестициялашнинг барча турлари ва шакларида тартиботни бериш янада қулай инвестиция муҳитини яратади ва чет эл инвестициялари кириб келишини тезлаштиради. Масалага шу жиҳатдан ёндашганда, юқорида тилга олинган қонунлар ва қарорлар шарофати ўлароқ, корхоналарда кўплаб имкониятлар муҳайё этилиб, уларга турли солиқ имтиёзлари берилмоқда. Айниқса, хорижий инвесторлар учун кенг имтиёзлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон – 2030 стратегиясида мамлакатимизни ривожлантиришнинг бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, ушбу стратегиянинг 58-мақсади “Ўзбекистонда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш орқали сайёҳлар сонини ошириш” деб номланади. Унда хорижий туристлар сонини 15 миллионга, ички сайёҳлар сонини 25 миллионга, зиёрат туризми бўйича келадиган туристлар сонини 3 миллион нафарга ошириш; хусусий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига республикада 30 та йирик туризм кластерларини ташкил этиш, меҳмон ўринлари сонини камида 2 баробарга ошириш, тоғли ҳудудларда 25 та дор йўллари қуриш, туризм маҳаллалари сонини 175 тага етказиш; туризм хизматлари экспортини 5 миллиард долларга етказиш, тиббиёт ва таълим туризми экспортини йилига 1,5 миллиард долларга етказиш; хорижий туристлар учун

барча халқаро аэропортларда республикадан сотиб олинган ва расмийлаштирилган маҳсулотлар учун “Tax free” тизимини жорий этиш; “Кўҳна тарих дурдоналари” миллий дастурини ишлаб чиқиш ҳамда унинг доирасида маданий мерос объектини реставрация қилиш, ёдгорликларда “очиқ осмон музей”ларини ташкил этиш; мамлакатимиз миқёсида шахарлараро автобус қатновини таъминлайдиган компанияларни ташкил этишни янада рағбатлантириш; жами 1 000 дан зиёд электр қувватлаш станциялари, овқатланиш ва ҳордиқ чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил қилиш вазифалари белгиланган. Бу фармон мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш жараёнининг мантиқий давоми бўлди. Унга кўра турли мулкчиликдаги шу жумладан туризм корхоналарини кенг миқёсда ислоҳ этиш, энг замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлаш, уларнинг фаолиятига илғор илм-фан ютуқлари ва инновация технологияларни жадал тадбиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, шу тариқа миллий саноатимиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, бозор конъюктураси ўзгаришларига боғлиқлигини камайтириш кўзда тутилган [7].

Туризм корхоналарида инвестиция маблағларидан фойдаланиш муайян натижаларига олиб келади. Туризм корхоналари учун инвестиция маблағларининг аҳамияти муомалада бўлиш шарт-шароитлари, жамоат ишлаб чиқаришига таъсир ўтказиш йўналишлари, бошқа тақсимот тоифалари билан боғлиқлиги ўзгариши каби омилларга мос равишда турлича бўлиши мумкин. Бироқ, турли тарихий даврларда инвестиция маблағларидан фойдаланиш эвазига эришиладиган натижалар, хилма-хиллигидан қатъий назар, ягона омил – инвестиция маблағлари воситасининг туристик фаолият жараёнларига таъсир кўрсатиш имконияти дахлсиз бўлиши зарур.

Молиявий маблағларнинг ҳажми ва таркиби туристик маҳсулотларини ошиш даражасига боғлиқ. Унинг самарадорлиги қанча юқори бўлса, сарфланаётган ва фойдаланилаётган молиявий маблағлар ҳажми ҳам шунча кўп бўлади. Ўз набатида, айти мақсадларга сарфланаётган молиявий маблағларнинг аксарияти туризм корхоналарини ижтимоий ўсиши ва такомиллашиши учун қулайликлар яратади. Молиявий маблағлар қайси йўналишида ва қанча миқдорда сарфланаётганига қараб, туризм корхоналарини қўшимча қув-

ватлар билан таъминлаш имкониятлари таъминланади. Туризм корхоналарининг техникавий даражаси юксалишига, меҳнат ундорлиги ўсиши учун қўлай шарт-шароитлар яратилишига олиб келади.

Бундай шароитда туризм корхоналарининг инвестиция фаолиятини тартибга солиш йўллари анча кўпаяди. Давлат солиқлар ёрдамида туризм корхоналарининг шахсий молиявий захиралар билан таъминланганлик даражасини оширишга таъсир кўрсатиш чораларини қўллайди. Қайта тикланган нисбатларга таъсир қилувчи жадал амортизация, мутахассислар тайёрлаш, ижтимоий суғурта ва бошқаларга бюджетдан маблағлар ажратишдек молиявий омиллардан ҳам фойдаланади. Ҳосил қилинган нисбатларни тартибга солишда туризм корхоналари барқарорлигини кафолатловчи суғурталашнинг аҳамияти ҳам аста-секин ортиб боради. У келгусида муваффақиятсиз илмий-техникавий ихтиролар келтирилган зарарларни, шунингдек, иш ташлашлар ва қиёсий норозиликлар туфайли бой берилган даромадларни ҳам қоплайдиган бўлади.

Туризм корхоналаридаги инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг давлат механизмида бюджетга тўловлар ва бюджетдан молиявий таъминлаш бирдек муҳимдир. Аммо бу уларнинг аҳамияти бир хил деган эмас. Бюджетга тўловлар асосан туристик корхонасининг хусусий молиявий негизини тартибга келтиришга йўналтирилади. Айни чоғда, у муайян туристик корхонасида қоладиган хусусий молиявий захираларининг у ёки бу улуши катталигигагина таъсир кўрсади. Бюджетдан молиявий таъминлаш эса бошқа вазифани бажаради, яъни умумдавлат захираларини жалб этиш йўли билан туризм корхоналарининг молиявий имониятларини кучайтиради. Бу эса туризм корхоналарини жадал ривожланишига ёрдам беради, янги тур маҳсулотлар пайдо бўлиши, илмий-техникавий жараён жадаллаши учун зарур шароитлар яратиш, улар тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Шу уринда айтиш жоизки, охириги 2-3 йил ичида мамлакатимизда шакллантирилган инвестиция фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси янгиланиб келмоқда. Ҳозир у инвестиция киритишдан тортиб, инвесторларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва кафолатларига ҳам бўлган жараёнларни қамраб олган. Миллий қонунчилигимизда маҳалий инвесторлар қатори хорижий сармоялар ҳамда хорижий сармоядорларга ҳам кенг имтиёзлар

ва кафолатлар тизими таклиф қилинган. Бу база ўзининг муҳимлиги ва камров доираси бўйича таснифланган.

Туризм корхоналари инвестиция маблағларини инновацион тур маҳсулотларни оширишга ва уни ривожлантиришга маблағ ажратиш йўли билан таъсир кўрсатади.

Шу боис ҳам ҳозирги шароитда туризм корхоналарининг инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш мамлакатларнинг амалдаги қонунларини, инвестиция муҳитини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилишини таъминлашга молик бўлиши лозим.

Туризм корхоналарининг инвестиция фаолиятини молиялаштиришни тартибга солиш ҳуқуқий нуқтайи назардан турли мулкдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни яратишдаги хусусидаги ўзига хос, мураккаб ва ижтимоий зарур иқтисодий (инвестиция) муносабатларни шакллантириш меъёрларни назарда тутаяди. Бунда инвестиция жараёнининг барча субъектлари – хорижлик инвесторлардан тортиб, давлат, юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, чет эллик резидентлар ва норезидентларгача бу муносабатлар иштирокчисига айланиши зарур бўлади.

Туризм корхоналарида инвестиция муносабатларининг моҳияти, ушбу фаолият иштирокчилари доирасида ва даражасида ўз ифодасини топади. Туризм корхоналари инвестиция муносабатларининг мавжудлиги тартибга солишнинг мустақил предмети бўлишини тақоз қилади. Ҳуқуқий нуқтаи назардан ёндашганда, туризм корхоналарида инвестиция фаолиятини молиялаштиришни тартибга солиш умумий ҳуқуқий ва хусусий ҳуқуқий тартибга солиш меъёрларини қамраб олади. Бу меъёрларнинг бирлиги ижтимоий ва алоҳида инвестиция муносабатларининг ўзига хос хусусияти ва моҳиятини ифодалади ҳамда уларни тартибга солиш усулига айланади. Тартибга солиш усуллари ҳуқуқ меъёрларининг ҳам алоҳида, ҳам ижтимоий зарур инвестиция муносабатларини характерига ўзига хос тарзда таъсир кўрсатиш йўллари билан иборатдир.

Туризм корхоналари инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, биринчи навбатда, давлатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадларини кўзлайди. Ҳозирги даврда инвестиция муносабатлари капиталларга эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш борасида муно-

сабатларини қамраб олади ҳамда нафақат миллий иқтисодиёт, балки халқаро иқтисодиёт даражасида ҳам ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларини акс эттиради.

Ўзбекистонда туризм корхоналарида инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш жараёнидаги асосий вазифалар ижтимоий ва хусусий манфаатларни, инвесторлар манфаатларини тўғри аниқлашдан, уларнинг ўзаро мақбул нисбатларини келишиб олиш, рўёбга чиқаришнинг тенг ҳуқуқий шароитлари ва кафолатларини белгилашдан иборат.

Туризм корхоналарининг инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш эса қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- туризм корхоналари инвестицион муҳитини қонунчилик асосини яратиш ва такомиллаштириш;

- туризм корхоналарига солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш;

- туризм корхоналарига тур маҳсулотларни тақдим этиш нормаларини, қоидаларини ва стандартларини белгилаш;

- рақобатбардошлик муҳитини қонуний асосини яратиш;

- кредит сиёсати ва нарх(тарифи) белгилаш сиёсатини ўтказиш;

- ер, дала ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланиш шартларини белгилаш;

- инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларнинг амалга оширилиши мониторингини юритиш.

Туризм корхоналари ҳозирги шароитида айрим омилларга боғлиқ ҳолда хориж инвестицияларни олиш, лойиҳаларда иштирокларини суний равишда чеклаб тижорат банкларини кредит ресурсларидан фойдаланишга интилишади. Ўтказилган кузатувлар ва сўровлар натижасида қўйидаги омиллар ҳозиргача мавжуд эканлигига нисбатан хулоса чиқариб олиш мумкин. Яъни:

- туризм корхоналари инвестиция олишдан олдин туристик объектни яратиш

майдони аҳолини зич жойлашувига алоҳида диққат қаратишади. Агар ушбу ҳолат доирасида шароит бўлмаса улар туристик корхонасини кенгайтириш, яъни инновацион тур маҳсулотларни ишлаб чиқишдан бош тартиб илгаридан мавжуд бўлган ҳолат ва фаолият турини давом этишга ҳаракат қилишади;

- туризм корхоналарини транспорт сув, газ, электро энергия каби коммунал тизимни жойлашиш жойлари ҳам қизиқтиради. Ушбу субъектларни мавжудлиги тадбиркорлар томонидан, инновацион инвестиция лойиҳасини олишга иштирокини тезлаштиради. Агарда улардан бир иккитаси мавжуд бўлмаса унда бундай лойиҳадан иштирок этишдан бош тартибда;

Туризм корхоналари томонидан инновацион инвестиция оқимлари олиши нафақат олинадиган капиталга нисбатан имтиёзлари мавжудлиги, балким қўшимча харажатларни юзага келтирувчи омиллардан ўзларини четга олишига ҳам ҳаракат қилишади.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб туризм корхоналарида инвестиция фаолиятини тартибга солиш, биринчи навбатда, барча туризм корхоналарини пул жамғармаларининг ўсиш суръатларини рағбатлантириш ва тур маҳсулотлар даражасини оширишга йўналтирилган бўлиши зарур. Бу эса туризм корхоналари инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизими доирасида солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияларини кучайтириш инвестицияларни молиялаштиришда эса бозор механизмлари ролини кенгайтиришга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда қайд этилган ҳолатлар диққатга молик улар ечимини илмий асослаш зарур. Бу эса Республикада туристик кластерни(кооперацион ҳамкорликка) тўлиқ шакиллантирмай туриб йирик инновацион инвестиция оқимларини туристик хизматлар соҳасига имтиёзли киритиш ҳам ўз ижобий самарасини бермаслиги мумкин. Шу боис, туристик кластер тармоқларидан бири бўлмиш мехмонхоналарни йил давомида турли потенциал даражасида фаолият кўрсата олмаслиги давлат томонидан уларга нисбатан ҳам (агарда давлат лойиҳаси асосида ташкил этилган бўлса) турли имтиёзлар тақдим этилса ҳам кўзда тутилган самара бериши узоқ вақтни талаб этади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Боголюбов В. С., Быстров С. А., Боголюбова С. А. Экономическая оценка инвестиций в развитие туризма. *Международный журнал экспериментального образования.* №3, 2010. – с. 26-27.

2. Оллоназаров Д. Кластер ёндашуви асосида туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш масалалари. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 1, 2019 йил. – 3-б.

3. Нарзуллаева Г. Туризмда инвестицион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва амал қилишининг ташкилий жиҳатлари. // "Логистика ва иқтисодиёт" илмий электрон журнали. №1, 2022. – 257 б.

4. Nawaz M. A., & Hassan, S. Investment and Tourism: Insights from the literature. *International Journal of Economic Perspectives* 10, no. 4. 2016. – p. 581-590.

5. Pantić N., & Milojević I. Investments and employment in tourism in the Republic of Serbia. *Менаџмент у хотелијерству и туризму* 7, no. 1. 2019. – p. 95.

6. Akama J.S. The role of government in the development of tourism in Kenya. *International Journal of Tourism Research* 4, no. 1. 2002. – p. 1-14.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон - 2030 стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158 фармони. 2023 йил 11 сентябр. <https://lex.uz/docs/6600413>



SAMARQANDDA AGROTURIZM VA QISHLOQ JAMOATLARINI RIVOJLANTIRISH

Anvarov Nodir Allayorovich

Turizmni rivojlantirish ilmiy-tadqiqot instituti doktoranti

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a44

Аннотация. Самарқанддаги агротуризм - туризм соҳасидаги қишлоқ жамоаларини рivojlantirishga qaratilgan innovatsion yoʻnalishdir. Ushbu tashabbus nafaqat mahalliy iqtisodiy oʻsishga yordam beradi, balki mintaqaning noyob madaniy va tarixiy anʼanalarini saqlashga yordam beradi. Agroturizm sayyohlarga anʼanaviy dehqonchilik usullarini oʻrganish, mahalliy oshxona va tabiatdan bahramand boʻlish, qishloq jamoalarining kundalik hayotida ishtirok etish imkoniyatini beradi. Bunday yondashuv qishloq joylarida infratuzilmani yaxshilashga yordam beradi va Oʻzbekistonda turizmni barqaror rivojlantirishning asosiy elementi hisoblanadi.

Калит соʻзлар: агротуризм, қишлоқ ҳамjamiyatini rivojlantirish, barqaror turizm, madaniy meros, iqtisodiy oʻsish, anʼanaviy qishloq xoʻjaligi, infratuzilmani yaxshilash.

АГРОТУРИЗМ И РАЗВИТИЕ СЕЛЬСКИХ СООБЩЕСТВ В САМАРКАНДЕ

Анваров Нодир Аллаёрович

Докторант в Научно-исследовательском институте развития туризма

Аннотация. Агротуризм в Самарканде – инновационное направление в сфере туризма, направленное на развитие сельских сообществ. Эта инициатива не только способствует экономическому росту на местах, но и помогает сохранить уникальные культурные и исторические традиции региона. Агротуризм предлагает туристам возможность узнать о традиционных методах ведения сельского хозяйства, насладиться местной кухней и природой, а также участвовать в повседневной жизни сельских общин. Такой подход способствует улучшению инфраструктуры в сельской местности и представляет собой ключевой элемент устойчивого развития туризма в Узбекистане.

Ключевые слова: агротуризм, развитие сельских сообществ, устойчивый туризм, культурное наследие, экономический рост, традиционное сельское хозяйство, улучшение инфраструктуры.

AGROTOURISM AND DEVELOPMENT OF RURAL COMMUNITIES IN SAMARKAND

Anvarov Nodir Allayorovich

PhD student at the Research Institute for Tourism Development

Abstract. Agrotourism in Samarkand is an innovative direction in the field of tourism aimed at the development of rural communities. This initiative not only promotes local economic growth, but also helps preserve the unique cultural and historical traditions of the region. Agritourism offers tourists the opportunity to learn about traditional farming methods, enjoy local cuisine and nature, and participate in the daily life of rural communities. This approach helps improve infrastructure in rural areas and represents a key element of sustainable tourism development in Uzbekistan.

Key words: agritourism, rural community development, sustainable tourism, cultural heritage, economic growth, traditional agriculture, infrastructure improvement.